

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

СамДУ ректори

проф.  Р.И.Халмурадов

2022 йил

09.00.04 - “ИЖТИМОЙ ФАЛСАФА”
ИХТИСОСЛИГИ БЎЙИЧА ДОКТОРАНТУРАГА КИРИШ СИНОВЛАРИ
УЧУН МАХСУС ИХТИСОСЛИК ФАНЛАРИДАН

ДАСТУР БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

Самарқанд-2022 й.

Аннотация

09.00.04. -Фалсафанинг кишилиқ жамиятининг моҳияти, келиб чиқиши, таркиби, инсоннинг жамиятдаги ўрни ва роли тўғрисидаги алоҳида бир соҳаси. Ижтимоий ривожланиш йўлида пайдо бўлган муаммоларни оқилона ҳал этиш ва жамият истиқболини олдиндан кўриш имконини беради. Айнан ижтимоий фалсафа орқали жамият ўзлигини англайди ва ривожланиш истиқболларини белгилайди. Бу соҳа кишилиқ жамиятининг энг умумий фалсафий манзарасини яратади, ижтимоий тараққиётнинг бош мақсади нима эканлигини ўрганишга қаратилган. Бу йўлда жамият тараққиётининг шаклланиши ва амалга оширишда илмий услубиятга асосланиш ижобий ижтимоий тажрибадан мақсадга мувофиқ самарали фойдаланиш зарурати ижтимоий фалсафани ҳар томонлама ривожлантиришни тақозо этади.

Кишилиқ жамиятининг моҳияти, келиб чиқиши, таркиби, инсоннинг жамиятдаги ўрни ва роли тўғрисидаги алоҳида соҳа. Ижтимоий фалсафа фақатгина умумий билим ва тушунчалар мажмуаси бўлмасдан, балки ижтимоий ривожланиш йўлида пайдо бўлган муаммоларни ҳал этишга ва жамият истиқболини олдиндан кўра билишга қаратилганлиги. Ижтимоий фалсафа орқали жамият ўзлигини англайди ва ривожланиш истиқболини белгилайди. Ижтимоий фалсафа жамият ва инсонни татбиқ этиш билан эмас балки ижтимоий гуманитар фанлар ютуқларига таянган ҳолда жамият тўғрисида фалсафий жамиятлар тизимни яратиши ҳамда ижтимоий воқеа ва жараёнларнинг илмий билишнинг методологик асосларини ишлаб чиқиши. Кишилиқ жамиятининг энг умумий фалсафий манзарасини яратади. Жамият ҳақида муайян қарашлар тизимини яратади. Ижтимоий фалсафа ижтимоий гуманитар фанларнинг методологик асоси эканлиги. Ижтимоий фалсафа жамиятга яхлит ва бир бутун тизим сифатида қарайди ва ижтимоий организмнинг нормал ишлаши учун ҳар бир аъзонинг қандай роль ўйнашини ижтимоий тараққиётнинг бош мақсади нимадан иборат эканлигига қаратади.

Ижтимоий фалсафа жамиятнинг фалсафий мушоҳада қилишга қаратилган. Инсон борлиғи ва ижтимоий жараёнлар умумий алоқадорликда таҳлил этилади. Ижтимоий фалсафада инсон ва унинг фаолиятида моддий ва маънавий ҳодисларнинг ўзаро нисбати. Ижтимоий фалсафа ижтимоий ҳаётни яхлит ва бир бутун ҳодиса сифатида ўрганади. Жамият тузилиши ва ривожланишдаги умумийликни очиш, ижтимоий ҳаёт соҳаларининг ўрнини кўрсатиб бериши, инсон борлиғи ва ижтимоий моҳиятини ёритиши, инсоният тарихининг моҳиятини тушунтириб бериши билан ижтимоий фанлар учун методологик асос вазифасини ўташ.

Ижтимоий фалсафа ва илмий бошқариш жараёни. Ижтимоий фалсафа ва келажакни илмий башорат қилиш. Ижтимоий фалсафа ва мафкура тизими.

ТУЗУВЧИЛАР:

Самадов А.Р.

СамДУ, Фалсафа ва миллий ғоя кафедраси, фалсафа фанлари доктори, доцент.

Яхшиликков Ж.Я.

СамДУ, Фалсафа ва миллий ғоя кафедраси фалсафа фанлари доктори, профессор.

Жўраев Л.Н.

СамДУ, Фалсафа ва миллий ғоя кафедраси фалсафа фанлари доктори, доцент.

Дастур Психология ва ижтимоий-сиёсий фанлар факультетининг 2022 йил 6 сентябрдаги №1 сонли Кенгаш йиғилишида муҳокама қилинган ва тасдиқлашга тавсия этилган.

КИРИШ

09.00.04-Ижтимоий фалсафа ихтисослиги бўйича кириш имтиҳони илмий-педагогик кадрларни давлат аттестациясидан ўтказишнинг таркибий қисмидир. Ижтимоий ҳодисаларни яхлит, бир бутун ҳодиса сифатида тадқиқ этиш фаннинг мақсадини ташкил этади. Мазкур мақсадни амалга ошириш учун ижтимоий ҳодисаларнинг ривожланишини, жамият ҳаёти ва тараққиёти, инсон камолотидаги ўрни ва аҳамиятини таҳлил қилиш каби вазифаларни бажарилиши билан боғлиқдир.

09.00.04-Ижтимоий фалсафа ихтисослиги бўйича тузилган имтиҳон дастури умумий фалсафа фанининг бир тармоғи бўлиб, илмий ходимни юқори малакали мутахассис бўлиши учун энг муҳим билимларни ўз ичига олади. Имтиҳон топширувчи тадқиқотчи юқори даражада назарий ва амалий тайёргарликка эга бўлиши, ижтимоий фалсафанинг бошқа ижтимоий-сиёсий фанлар билан боғлиқ илмий-методологик масалалардан хабардор бўлиши, шу билан бирга у ўз билимидан илмий ва амалий вазифаларни тўғри ҳал этишда фойдалана билиши лозим. Ўзбекистон ижтимоий тараққиётида, жамият ҳаётида фалсафий билимлар тўғрисидаги назарий ва амалий тасаввурларни ўзгартириб, жамият фаолияти ривожининг мутлақо янги асослари ишлаб чиқилишини тақозо этади. “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш” концепцияси, 2017-2021 йиллар Ўзбекистонни янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси ва 2020 Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили давлат дастурининг ижтимоий ҳаётдаги ўрни, жамият иқтисодий ҳаётини таркибий ўзгаришлар ва ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ислохотларни янада чуқурлаштириш, унинг кўламини кенгайтириш билан боғлиқ масалаларнинг назарий ва амалий томонларини ўрганишда “Ижтимоий фалсафа” фани муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимизнинг мустақиллик йилларидаги дадил тараққиёт одимлари, юртимизда ҳамда жаҳонда кечаётган мураккаб ижтимоий жараёнларни тўғри англаш мустақил ҳаётга қадам ташлаётган ёшлар учун ниҳоятда муҳим. “Ижтимоий фалсафа” фани ёшларга жамиятни, унда рўй бераётган туб ўзгаришларнинг моҳиятини тўғри идрок қилиш ва шу асосда ўз касбий фаолиятини самарали олиб бориш имконини беради.

АСОСИЙ ҚИСМ.

Ижтимоий фалсафа фанининг баҳс мавзуси ва вазифалари Фалсафа, ижтимоий фалсафа. Улар ўртасидаги умумий томонлар ва ўзига хослик. Ижтимоий фалсафа жамият ҳақидаги фалсафий билимлар мажмуи сифатида. Ижтимоий фалсафа ва онтология. Ижтимоий фалсафа ва гносеология. Ижтимоий фалсафа ва методология. Ижтимоий фалсафа ва антропология. Ижтимоий фалсафанинг предмети, ўрганиш объекти. Ижтимоий фалсафанинг асосий муаммолари: жамият, инсон, ижтимоий тараққиёт ва ижтимоий билиш.

Ижтимоий фалсафанинг таянч тушунчалари. Жамият, инсон, ижтимоий тараққиёт, ижтимоий билиш, маданият, маънавият, ижтимоий ҳаёт, тадрижий ривожланиш, инқилобий ривожланиш, ижтимоий-сиёсий тизим, ижтимоий хавфсизлик, мустақиллик, ижтимоий ҳамкорлик, фуқаролик жамияти, шахс.

Ижтимоий фалсафанинг жамият ҳаётидаги ўрни ва функциялари. Ижтимоий фалсафанинг ижтимоий-гуманитар фанлар орасида тутган ўрни.

Ижтимоий фалсафа тарихи

Ижтимоий фалсафанинг шаклланиши ва ривожланишининг асосий даврлари. Ижтимоий фалсафа - жаҳон фалсафаси тарихининг таркибий қисми:

Қадимги Шарқда шаклланган илк ижтимоий-фалсафий қарашлар. Хитой, Ҳиндистон, Марказий Осиё. Қадимги Юнон файласуфларининг ижтимоий-фалсафий қарашлари. Сукрот, Афлотун, Арасту. Ўрта асрлар Марказий Осиё мутафаккирларининг ижтимоий-фалсафий қарашлари. Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино. Ўрта асрларда Ғарбий Европа мамлакатларида илгари сурилган ижтимоий-фалсафий қарашлар. Фома Аквинский. Ғарбий Европа Уйғониш давридаги ижтимоий-фалсафий қарашлар. Томас Мор. Томмазо Кампанелла.

Янги давр Ғарбий Европа олимларининг ижтимоий-фалсафий ғоялари.

XVII-XVIII асрларда шаклланган маърифатпарварлик ғоялари. Томас Гоббс. Шарл Луи Монтеске. Жан Жак Руссо. Немис мумтоз фалсафасида жамият ва инсон муаммолари. Ижтимоий фалсафанинг фан сифатида шаклланиши. Гегел. Фейербах. К. Маркс, Огюст Конт, Герберт Спенсер. XXI аср ва ҳозирги давр ижтимоий фалсафаси тараққиёти Емил Дюркгейм, Освалд Шпенглер. Карл Ясперс. Анри Бергсон. Ўзбекистоннинг биринчи Президент Ислом Каримов асарларида ижтимоий фалсафа мустақиллиги ва ижтимоий фалсафий фикрлар тараққиёти. 2017-2021 йиллар Ўзбекистонни янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси.

Жамият – яхлит тизим сифатида

Жамиятнинг фалсафий талқини. Жамият ижтимоий фалсафанинг тадқиқот объекти сифатида. «Жамият» тушунчасининг маъноси. Жамиятнинг моҳияти. Жамият объектив борлиқнинг таркибий қисми, табиат тараққиётининг маҳсули ва кўриниши. Жамиятда амал қиладиган қонунлар, уларнинг ўзига хос жиҳатлари. Жамият – яхлит тизим сифатида. Жамият ҳаёти ва унинг ўзига хос жиҳатлари. Барқарорлик ва беқарорлик. Онглилик ва онгсизлик. Тартиб ва тартибсизлик. Жамият ҳаётининг асосий соҳалари. Жамиятнинг иқтисодий ҳаёти. Жамиятнинг сиёсий ҳаёти. Жамиятнинг ижтимоий ҳаёти. Жамиятнинг маънавий ҳаёти. Жамият. Идеал жамият. Ахборотлашган жамият. Фуқаролик жамияти.

Фуқаролик жамияти

Идеал жамият. Фуқаролик жамияти тушунчаси. Фуқаролик жамияти тўғрисидаги фалсафий қарашлар. Фуқаролик жамиятини барпо этиш ижтимоий тараққиёт йўналиши сифатида. Фуқаролик жамиятининг тузилиши. Фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари - фуқаролик жамияти шаклланишининг бош омили. Фуқаролик жамияти институтлари. Маҳалла - Ўзбекистонда фуқароларни ўз-ўзини бошқариш органи сифатида. Фуқаролик

жамиятини барпо этиш ва ривожлантиришда сиёсий ва ҳуқуқий маданиятнинг ўрни. Ўзбекистонда барпо этилаётган фуқаролик жамияти. Биринчи Президент И.Каримов фуқаролик жамиятини барпо этиш вазифалари тўғрисида. «Кучли давлатдан – кучли жамият сари» тамойили ва унинг мамлакатимизда фуқаролик жамиятини барпо этишдаги ўрни.

Жамият ҳаёти ва тараққиёти омиллари.

Табиат ва жамият, улар орасидаги узвий алоқадорлик. Табиат, инсон ва жамият орасидаги узвий боғлиқлик ва алоқадорликнинг фалсафа ва фан тарихида қўйилиши. Жамият табиат тараққиётининг давоми, био ва социо-эволюциянинг маҳсули ва кўриниши сифатида. Жамиятга тараққиётнинг табиий омиллари: географик муҳит, демографик омил. (Аҳоли зичлиги). Географик муҳит ва унинг жамиятга таъсири. Табиат жамият ҳаёти ва тараққиётинингтабиий асоси ва шарти. Космосфера, ноосфера, биосфера тушунчалари тўғрисида. В.М.Вернадскийнинг ноосфера концепцияси. Географик муҳит ва жамият орасидаги диалектик алоқадорлик. Табиатнинг жамиятга ва жамиятнинг табиатга таъсири. Географик детерминизм назарияси. Географик сиёсат тушунчаси. Географик сиёсат давлат сиёсатининг муҳим йўналиши сифатида. Ўзбекистоннинг географик сиёсати. Демография демографик омил. Аҳоли зичлиги тушунчаси. Аҳоли зичлиги қонунининг жамиятда амал қилиш хусусиятлари. Демография - аҳоли, нуфус ҳақидаги фан. Жамиятдаги демографик жараёнлар. Миграция. Урбанизация. Демографик жараёнларнинг жамият ҳаёти ва тараққиётига таъсири. Жамиятнинг демографик таркиби. Демографик муаммолар. Демографик сиёсат. Ўзбекистоннинг демографик сиёсати. Жамият ҳаёти ва тараққиётига таъсир этувчи ижтимоий омиллар. Ишлаб чиқариш. Моддий ишлаб чиқариш. Маънавият. Маданият. Қадриятлар. Миллий ғоя.

Жамиятнинг иқтисодий ҳаёти

Жамиятнинг иқтисодий ҳаёти тушунчаси. Моддий ишлаб чиқариш жамият иқтисодий ҳаётининг асоси. Моддий ишлаб чиқариш тушунчаси. Техника, унинг тараққиёти. Технология. Техник инқилоблар, уларнинг моддий ҳаётга таъсири. Техника тараққиётида фаннинг тутган ўрни. Фан-техника инқилоби. Моддий иқтисодий ишлаб чиқариш усули ва унинг таркибий тузилиши. Ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатлари. Ишлаб чиқарувчи кучлар ва уларнинг таркиби. Ишчи кучи. Ишлаб чиқариш воситалари. Ишлаб чиқариш муносабатлари ва унинг ўзига хос томонлари. Мулк муносабат - ишлаб чиқариш муносабатининг асоси сифатида. Мулк тушунчаси. Мулк шакллари. Интеллектуал мулк. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида мулкчиликнинг хилма-хил шакллари вужудга келтиришнинг объектив зарурлиги. Тадбиркорликни қўллаб қувватлаш, ишлаб чиқаришнинг илғор усуллари ҳаётга тадбиқ этиш – мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг бош мақсади. 2011 йил – “Кичик бизнес ва хусусий

тадбиркорлик йили”. Жамият иқтисодий ҳаётида амал қиладиган қонунлар. Ишлаб чиқариш муносабатларининг ишлаб чиқарувчи кучлар характери ва тараққиёт даражасига мувофиқ келиши қонуни ва унинг амал қилиш хусусиятлари.

Жамиятнинг ижтимоий ҳаёти

Жамиятнинг ижтимоий ҳаёти тушунчаси. Жамиятнинг ижтимоий таркиби ва унинг асосий элементлари. Жамиятнинг этник таркиби. Уруғ. Қабила. Элат. Миллат. Миллий ва миллатлараро муносабатлар. Миллий ҳамжиҳатлик, миллатлараро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик – ижтимоий барқарорлик ва тараққиёт омили. Жамиятнинг демографик таркиби. Жамиятнинг синфий таркиби. Синфлар. Синфий муносабатлар. Страталар. Мобиллик очиқ демократик жамият ижтимоий ҳаётининг ўзига хос хусусияти. Аҳолининг истиқомат жойларига кўра ижтимоий таркиби. Шаҳар аҳолиси. Қишлоқ аҳолиси. Шаҳар ва қишлоқ орасидаги муносабатлар. Аҳолининг маълумот ва касбга кўра таркиби. Таълим, унинг жамиятдаги ўрни.

Жамиятнинг сиёсий ҳаёти

Ижтимоий сиёсатни давлат сиёсатининг муҳим йўналиши. Ўзбекистон ижтимоий сиёсатининг инсонпарварлик моҳияти. Мамлакат сиёсий тизими. Халқаро сиёсий тизим. Жамиятнинг сиёсий ҳаёти тушунчаси. Жамиятнинг сиёсий тизими. Сиёсат. Сиёсий муносабатлар. Сиёсий онг. Сиёсий муассаса ва ташкилотлар. Жамиятнинг сиёсий тизими. Давлат жамият сиёсий тизимининг асоси. Сиёсий партиялар. Жамоат ташкилотлари, ижтимоий ҳаракатлар. Нодавлат, нотижорат ташкилотлар, уларнинг жамият сиёсий тизимидаги ўрни. Бошқарув, унинг тарихий кўринишлари. Ўз-ўзидан бошқарув. Махсус бошқарув. Давлат. Жамият сиёсий ҳаётида давлатнинг ўрни ва роли. Демократик давлат ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Демократик ҳуқуқий давлат тушунчаси. Ҳуқуқий демократик давлат. Ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш – бош стратегик мақсадимиз. Демократик давлатнинг инсон ҳуқуқлари, эркинлари ҳамда манфаатларининг рўёбга чиқаришдаги ўрни. Конституция – демократик жамият сиёсий ва ҳуқуқий ҳаётини ташкил этиш такомиллаштиришнинг муҳим омили. Биринчи Президент И.Каримов асарларида жамиятимиз сиёсий ҳаётини шакллантириш ва ривожлантиришнинг асосий йўналишлари.

Жамиятнинг маънавий ҳаёти.

Жамиятнинг маънавий ҳаёти. Маънавий ҳаётининг таркибий элементлари. Маънавий эҳтиёж. Маънавий муносабат. Маънавий ишлаб чиқариш. Маънавий ўзлаштириш. Жамият маънавий ҳаётида ворислик ва янгиланиш. Ижтимоий онг – жамият маънавий ҳаётининг асоси. Ижтимоий онг структураси. Ижтимоий ва индивидуал онг. Ижтимоий онг соҳалари. Кундалик ва назарий онг. Ижтимоий онг даражалари. Ижтимоий руҳият. Ижтимоий мафкура. Миллий ғоя ва мафкура. Миллий менталитет. Миллий ғоя ва ижтимоий тараққиёт. Ижтимоий онг шакллари. Ахлоқий онг. Диний онг.

Сиёсий ва ҳуқуқий онг. Санъат. Фан. Фалсафа. Маънавиятнинг ҳозирги замон талқини. Маънавият. Маънавий ҳаёт. Маънавий тикланиш ва тараққиёт. Биринчи Президент Ислом Каримов асарларида жамият маънавият ва такомиллаштириш муаммолари. Таълим тизимини ислоҳ қилиш – жамият маънавий ҳаётини такомиллаштиришнинг муҳим омили.

Фан

Фан – ижтимоий онгнинг шакли. Махсус фаннинг ўзига хос хусусиятлари. Фан-илмий билимлар тизими. Илмий фаолият, унинг ўзига хос жиҳатлари. Фан – ижтимоий институт. Фанларнинг асосий туркумлари. Фандаги дифференция ва интеграция жараёнлари. Фаннинг вужудга келиши ва тараққиёти. Қадимги Шарқ мамлакатларида илмий билимларнинг шаклланиши. Қадимги Юнонистонда фаннинг шаклланиши. Марказий Осиёда илмий билимларнинг шаклланиши ва тараққиёти. Хоразм Маъмун академияси олимларининг жаҳон фани тараққиётига қўшган ҳиссалари. XVI – XVII асрларда Европада фан. Фан тараққиётининг тарихий босқичлари. Классик фан. Ноклассик фан, Постноклассик фан. Ҳозирги замон фани ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Ахборотлашган жамият ва фан. Ўзбекистонда илм-фан ривожланишининг асосий йўналишлари.

Маданият. Қадриятлар

Маданият. Моддий ва маънавий маданият. Маданиятнинг шаклланиш ва ривожланиш тарихи. Маданият тарихининг жамият тарихи билан узвий алоқадорлиги. Маданиятнинг жамият тараққиётида тутган ўрни. Маданиятда миллийлик ва умуминсонийлик. Цивилизация маданий – маънавий ривожланишнинг маҳсули сифатида. Мустақиллик ва маданиятимиз тараққиётининг истиқболлари. Юксак маданиятли инсон, баркамол шахсни тарбиялаш - фуқаролик жамиятини қарор топтиришнинг муҳим омили. Қадриятлар тушунчасининг мазмуни. Қадриятлар-ижтимоий тараққиётнинг муҳим омили. Қадриятларнинг ўзига хос жиҳатлари. Қадриятлар тизими ва кўринишлари. Моддий-маънавий қадриятлар. Ахлоқий, ижтимоий-сиёсий қадриятлар. Мустақиллик ва қадриятлар. Инсоннинг энг олий қадрият эканлиги.

Инсон. Шахс

Инсон – ижтимоий фалсафанинг ўрганиш объекти сифатида. Инсон ва унинг моҳияти. Антропология – инсон тўғрисидаги фан. Инсон муаммосининг фалсафа тарихида қўйилиши. Антик давр фалсафасида инсон муаммоси. Қадимги Ҳиндистон. Ҳитой. Марказий Осиёнинг қомусий олимлари инсон ҳақида. Тасаввуф фалсафаси ва инсоннинг руҳий-маънавий камолоти. XVI-XIX асрларда Марказий Осиёда шаклланган инсон ҳақидаги қарашлар. Тасаввуф фалсафаси инсон ҳақида. Қадимги Юнон файласуфларининг инсон ҳақидаги қарашлари. Ўрта асрлар Фарбий Европа фалсафаси инсоннинг моҳияти тўғрисида. Фарбий Европа Уйғониш даври фалсафасида инсон муаммосининг қўйилиши. Инсон ва инсонпарварлик ғоялар. XVII –XVIII асрлар Фарбий

Европа фалсафасида инсон муаммоси ва маърифатпарварлик ғоялар. Ҳозирги давр Ғарбий Европа фалсафасида инсон муаммоси. Экзистенциализм. Персонализм. Ҳозирги замон Ғарб фалсафаси инсоннинг моҳияти тўғрисида. XIX аср охири XX аср бошларида Марказий Осиёда шаклланган инсон, ҳақидаги қарашлар, жамиятни инсонпарварлаштириш ғоялари. Инсон – биосоциал ва руҳий мавжудот. Инсонда табиийлик ва ижтимоийлик. Инсон ҳаётининг мазмуни. Инсон, индивид, шахс, индивидуаллик тушунчалари. Уларнинг ўзига хослиги ва улар орасидаги узвий алоқадорлик. Шахснинг моҳияти. Шахс тиллари.

Шахс ҳақидаги ҳозирги замон қарашлари. Шахснинг шаклланишида оила, маҳалла, таълим-тарбия муассасаларининг ўрни. Эркин, мустақил шахс тушунчаси. Маънавият ва унинг мустақил шахснинг шаклланишидаги ўрни.

Жамият ва шахс

Жамият ва шахс, уларнинг узвий бирлиги ва алоқадорлиги. Жамият ва шахс орасидаги ўзаро алоқадорлик ҳақидаги фалсафий қарашлар. Жамиятнинг шахсга таъсири. Шахснинг жамиятга таъсири. Шахс эркинлиги ва масъулияти. Танлов эркинлиги. Шахснинг тарихий типлари. Шахсий қарамлик. Мулкий қарамлик. Қарам шахс. Шахс мустақиллиги. Мустақил шахс.

Шахснинг эркинлиги ва масъулияти. Иқтисодий эркинлик. Сиёсий эркинлик. Маънавий эркинлик. Инсон эркинликлари ва ҳақ-ҳуқуқлари. Мустақиллик шароитида инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинлигининг таъминланиши. Эркин фуқаролик жамияти ва шахс.

Ижтимоий тараққиёт табиий-тарихий жараён сифатида

Ижтимоий тараққиёт. Прогресс. Регресс Ижтимоий тараққиёт табиий-тарихий жараён сифатида. Ижтимоий тараққиёт ҳақидаги қарашлар. Ижтимоий тараққиётнинг даврийлик назарияси. Ижтимоий тараққиётни оддий, чизиқли ривожланиш шакли сифатида тушуниш. Ижтимоий тараққиётнинг ҳозирги замон концепциялари. Ижтимоий тараққиётга формацион ёндашув. Ижтимоий тараққиётга цивилизацияли ёндашув. Тарихий жараён муаммосининг ҳозирги замон фалсафий таълимотларида қўйилиши ва ҳал этилиши. Арнолд Тойнби қарашлари Карл Ясперс тарихий жараёнлар мазмуни ҳақида. Карл Поппер, Фридрих Ницше, Освалд Шпенглерларнинг ижтимоий тараққиёт тўғрисидаги қарашлари.

Ижтимоий тараққиёт қонунлари тушунчаси. Ижтимоий қонунларнинг объектив характери. Ижтимоий тараққиёт қонунларининг ўзига хос хусусиятлари. Ижтимоий тараққиётда объективлик ва субъективлик. Ижтимоий тараққиётнинг шакл ва кўринишлари. Инқилобий ва тадрижий тараққиёт. Ижтимоий инқилоб тушунчаси. Ижтимоий инқилобнинг тарихий тараққиётдаги ўрни.

Тадрижий (эволюцион) тараққиёт, унинг ўзига хос жиҳатлари. Ўзбекистоннинг ўз ижтимоий тараққиёт йўли - тараққиётнинг «ўзбек модели». Жамият ҳаётидаги беқарорлик ва барқарорлик. Жамиятни

инсонпарварлаштириш ҳозирги замон ижтимоий тараққиётнинг асосий йўналиши сифатида.

Ижтимоий тараққиёт субъектлари ва ҳаракатлантирувчи кучлари

Ижтимоий эҳтиёж, манфаатлар ва уларнинг ижтимоий тараққиётдаги ўрни. Моддий ва маънавий эҳтиёжлар. Манфаат ва эҳтиёжлар – ижтимоий тараққиётни ҳаракатлантирувчи кучи. Ижтимоий тараққиётнинг субъектлари тушунчаси. Халқ оммаси. Синфлар ва миллатлар. Шахснинг тарихдаги ўрни. Ижтимоий тараққиётда инсон омили. 2017 йил Халқ билан мулоқат ва инсон манфаатлари йил давлат дастури. «Халқ оммаси» тушунчаси мазмуни. Халқ. Оломон. Улар орасидаги фарқ. Халқ оммасининг ижтимоий тараққиётдаги ўрни. Синфлар ва миллатлар ижтимоий тараққиёт субъектлари сифатида. Ижтимоий тараққиётга синфий ёндашувнинг чекланганлиги. Миллий озодлик ҳаракатлари ва ижтимоий тараққиёт. Буюк зод, тарихий шахс тушунчалари. Тарихда шахснинг ўрни. Фатализм, волюнтаризм назариялари. Ижтимоий тараққиётда инсон омили.

Цивилизация.

Цивилизация, унинг ўзига хос хусусиятлари. Цивилизация ҳақидаги фалсафий қарашлар. Шарқ цивилизацияси. Ғарб цивилизацияси. Инсоният – тарихнинг субъекти сифатида. Инсоният тақдирининг муштараклиги. Ҳозирги замон жаҳон цивилизацияси, унинг ўзига хос хусусиятлари. Глобаллашув ва жаҳон. Инсоният тақдири масаласи. БМТнинг Минг йиллик ривожланиш мақсадлари. Ҳозирги давр: умумбашарий муаммолар.

Ўзбекистоннинг жаҳон цивилизациясига интеграцияси

Ҳар бир халқ миллатнинг жаҳон цивилизациясига қўшилиб бориши қонуний жараён сифатида. Жаҳон ҳамжамияти: айримлик, ўзига хослик, умумийликнинг намоён бўлиши. Ўзбекистон халқаро муносабатларнинг субъекти. Жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг моҳияти, асосий йўналишлари ва тамойиллари. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграцияцилашуви: икки ёқлама ва кўп ёқлама ҳамкорлик, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳамкорлик Халқаро миқёсда тинчликни мустаҳкамлаш ва барқарорликни таъминлашда Ўзбекистоннинг тутган ўрни ва роли. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузининг ортиб бораётганлиги. БМТнинг 75 сессиясида Президент Мирзиёевнинг сўзлаган нутқи.

Ижтимоий билиш. Жамиятни илмий билиш ва бошқариш.

Билиш. Илмий билиш. Ижтимоий билиш, унинг моҳияти ва унинг ўзига хос жиҳатлари. Ижтимоий билиш таркиби. Ижтимоий билиш субъекти ва объекти. Ижтимоий ҳақиқатга эришиш – ижтимоий билишнинг мақсади. Жамиятни илмий билиш. Ижтимоий билиш ва унинг даражалари. Эмпирик ва назарий билиш. Жамиятни эмпирик билиш. Эмпирик билиш методлари.

Кузатиш. Ижтимоий эксперимент. Статистик усул. Манбалар, ҳужжатлар билан ишлаш.

Назарий билиш ва унинг методлари. Тарихийлик ва мантиқийлик. Моделлаштириш. Тарихий аналогия. Ижтимоий башорат. Ижтимоий билиш тўғрисидаги назариялар. Натурализм. Гуманитаризм. Ижтимоий билишни жамиятни англаш, бошқариш ва келажак истиқболларини аниқлашдаги ўрни.

Фойдаланиладиган дарсликлар ва ўқув қўлланмалар рўйхати

Рахбарий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси – Т., «Ўзбекистон», 2019 йил
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халкимиз билан курашимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017.
3. Миллий тараққиёт йулимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-ТОМ. Тошкент - «Ўзбекистон» - 2017
4. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент: «Ўзбекистон», 2016.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги Фармони. Тошкент. “Адолат”. 2018.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 440 б.
7. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. – Т., «Маънавият»
8. 2008 йил.

Асосий адабиётлар.

1. Туленов Ж. Жамият фалсафаси. Олтинчи бўлим – Т., 2001 йил.
2. Крапивенский С.Э. Социальная философия. Москва “Владос” 1998.
3. Барулин В.С. Социальная философия. Москва “ФАИР-ПРЕСС”, 1999
4. Чориев А. Инсон фалсафаси. – Т., 2006 йил.
5. Каримов И, Валиева С, Туленова К. Ижтимоий фалсафа (услубий қўлланма).- Т., 2008 йил.
6. Туленов Ж. Диалектика назарияси. Т., «Ўзбекистон» 2001 й.
7. Хоразм Маъмун академияси ва унинг дунё илм-фани тараққиётидаги ўрни. – Т., 2007 йил.
8. О.Г.Данилян, В.М.Тараненко Философия –Москва “Эксмо” 2005 Ф.
9. Сулаймонова, Фарб ва Шарқ – Т., 2000 йил.
10. Туленова К. Предвидение и реальность.- Т., “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” илмий нашр., 1998 йил.
11. Билиш фалсафаси. – Т., «Университет» нашр., 2005 йил.
12. Фалсафа асослари. – Т., «Ўзбекистон» НМИУ, 2005 й.
13. Жахон фалсафаси тарихидан лавҳалар. II қисм – Т., Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти нашр., 2004 йил.
14. Алексеев П.В. Социальная философия. Москва “ПРОСПЕКТ” 2003.
15. 15. Яхшиликлар Ж.Я., Мухаммадиев Н.Е. Миллий
16. ғоя ва мафкура. (Монография). Т.: “Фан”, 2015 йил.
17. Тураев Б.О. Фалсафа тарихига кириш. (Ўқув методик қўлланма). Самарқанд: Имом Бухорий халқаро маркази, 2010.
18. Тураев Б.О. Борлиқ: моҳияти, шакллари, хусусияти. (Монография). Т.: Фалсафа ва ҳуқ-уқ институти, 2011.

19. Яхшиликков Ж.Я. Ижтимоий тараққийтда фан-техниканинг ўзига хос хусусиятлари. Глобаллашув шароитида фалсафа ва миллий ғоянинг долзарб масалалари. Тошкент 2014, 145-147-бетлар.

20. Тураев Б.О. “Борлиқ фалсафаси”. – Т.: “Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти”, 2013 йил.

21. Тураев Б.О. “Онтология, гносеология, логика ва фан фалсафаси муаммолари”. Тикланган асарлар. 1-том, “Ўзбекистон миллий кутбхонаси нашриёти”, -Т.: 2015 йил.

Қўшимча адабиётлар:

1. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Т., 2003 йил.
2. Темур тузуклари. – Т., Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996 йил.

3. Низомул мулк. Сиёсатнома ёки Сияр ул-мулк.,- Т., “Адолат”, 1997 йил.

4. Авесто: тарихий-адабий ёдгорлик. – Т., “Шарқ” 2001 йил.

5. Отамуратов С. Глобаллашув ва миллат. – Т.: 2008.

6. Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. 1-китоб,- Т., “Ёзувчи” нашриёти, 1996 йил.

7. Нарзулла Жўраев. Тарих фалсафасининг назарий асослари. –Т., “Маънавият” 2008 йил.

8. Мустақиллик биз учун ўзлигимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг инсон манфаати эканлиги ва фаровонлигининг, биз қўллаган демократик жамият барпо жетишининг гаровидир. – Т., 2008 йил..

9. Отамуратов С. Глобаллашув ва миллат. – Т.: 2008.

10. Қирғизбоев М Фуқаролик жамияти: назария ва хорижий тажриба. – Т., «Янги аср авлоди», 2006 йил.

11. Маматов Х. Ҳуқуқий маданият ва Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг шаклланиш муаммолари. Т., 2005 йил.

12. Ахмедов Д. А, З.Ғофуров. маҳалла-ноёб кадрият. – Т., 2005 йил.

13. Туленова Г. “Маънавий етукликдан ижтимоий фаоллик сари” – Т.:

14. 2008.

15. Исломов З. М. Фуқаролик жамияти: кеча, бугун, эртага. – Т., 2002 йил.

16. Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очик фуқаролик жамиятининг шаклланиши. – Т., “Шарқ”, 2003йил.

Интернет ресурслари:

17. www.ziyonet.uz

18. www.philosophy.ru.

19. <http://www.intencia.ru>.

20. <http://www.anthropology.ru>

21. <http://www.ido.rudn.ru>.

22. <http://www.filosofia.ru>.

23. <http://www.falsafa.dc.uz>.

24. <http://www.phenomen.ru>.

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТАЯНЧ ДОКТОРАНТУРА
ИХТИСОСЛИКЛАРИГА КИРИШ СИНОВЛАРИ УЧУН МАХСУС
ФАНЛАРДАН ДАЪВОГАРЛАРНИНГ БИЛИМЛАРИНИ БАҲОЛАШ
МЕЗОНИ**

Синов топшириш шакли	Ёзма
Ажратилган вақт	120 дақиқа
Саволлар сони	5
Ҳар бир савол учун белгиланган балл	20
Максимал балл	100
Ўтиш бали	55

